

**2011-2-сон**

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 27-бандига кўра, айбдор томонидан Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар содир этилган ҳолларда суд-психиатрия экспертизаси стационар шароитда ўтказилиши шарт.*

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди кассация инстанциясининг 2010 йил 16 июлдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу вилоят судининг 2008 йил 28 ноябрдаги ҳукмига асосан Х. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «в» банди билан 17 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра Х. 2008 йил 10 сентябрь куни соат 23 ларда ўзи яшайдиган уйнинг пешайвонида ухлаб ётган турмуш ўртоғи Н. билан жанжаллашиб, у ухлаганидан сўнг эгнида бўлган трикосининг узунлиги 180 см. бўлган ипни ечиб, ожиз аҳволдаги турмуш ўртоғининг бўйин соҳасидан бўғиб ўлдирган.

Жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилишида ҳамда суд мажлисида кўрилишида қонун бузилишига йўл қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 27-бандида айбланувчининг (судланувчининг) рухий жиҳатдан соғломлигига шубҳа туғилган тақдирда, амбулатория ёки стационар шароитда суд-психиатрия экспертизаси ўтказилиши кераклиги, айбдор томонидан Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисмида

назарда тутилган ҳаракатлар содир этилган ҳолларда суд-психиатрия экспертизаси стационар шароитда ўтказилиши шартлиги кўрсатилган.

Жиноят ишидаги Қашқадарё вилояти асаб-руҳий касалликлар диспансери, амбулатор судлов-психиатрия экспертизаси Х. муқаддам ва ҳозирги кунда руҳий хасталик билан хасталанмаган «Д» ҳисобда турмаслиги, ижтимоий хавфли жиноятни содир этган вақтда ўзининг ҳаракатларига жавоб бероладиган ҳолатда бўлганлиги, руҳий ҳолатига кўра, тўғри кўрсатма бериш ва бошқа тергов ҳаракатларида ҳамда судда иштирок этишга қодирлиги ҳақида хулоса берган.

Жиноят иши материалларидан кўринишича, Х. дастлабки тергов ва судда 2008 йил 10 сентябрь куни уйига келиб, ухлаб ётган хотини Т.ни бўғиб ўлдирганлиги, уни нима сабабдан ўлдирганлигини ўзи ҳам тушунмаганлиги, иккита укаси руҳий касаллиги учун ўзларини осиб ўлдирганлиги, воқеа куни кўзига қандайдир шарпа кўринганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Гувоҳлар И., Қ., Х., П., Т.лар дастлабки терговда Х. турмуш ўртоғи билан жанжаллашганлигини билмасликларини, улар тинч ва яхши яшаб келишганлиги, Х.нинг укалари Х. ва Қ.лар ўзларини осиб ўлдирганлиги ҳақида кўрсатма беришган.

Аммо суд қайд этилган экспертиза амбулатор шароитда ўтказилганлиги ҳамда Х.нинг оиласида икки нафар укаси руҳий хасталиги учун ўзларини осиб ўлдирганлиги ҳақидаги кўрсатмаларини атрофлича текширмаган, Х.нинг руҳий жиҳатдан соғлом ёки соғлом эмаслигини аниқлаш мақсадида стационар суд-психиатрия экспертизасини ўтказмаган, Х.нинг кассация шикоятдаги важларини атрофлича текширмаган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов хайъати 2011 йил 24 мартдаги ажрими билан Х.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди кассация инстанциясининг 2010 йил 16 июлдаги

ажрими бекор қилиниб, жиноят ишени янгитдан кассация инстанцияси судида кўриш учун юборилди.

***Назорат иши ЖСХ-36-11***